



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 93 (11.904)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат да-
стурига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг ри-
вожлантириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш,
тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тар-
тибини янада такомиллаштириш ва ҳаражатларини камай-
тириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ад-
лия вазирлиги, Молия вазирлигининг 2011 йил 1 июндан
ҳодимларининг йиллик ўртача сони 50 кишидан 100 кишига
кўпайтирилган кичик корхоналарнинг фаолият турла-
ри рўйхатини 1-иловага мувофиқ кенгайтириш тўғрисидаги
таклифи қабул қилинсин.

2. 2011 йил 1 июндан қуйидагича тартиб белгилансин:
янги ташкил қилинаётган масъулият чекланган ва қўшим-
ча масъулиятли жамиятлар устав фонди (устав капитали)-
нинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжат-
ларни тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг
кам иш ҳақи миқдорининг қирқ бараваридан кам бўлмасли-
ги керак;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш
уларнинг аризасига кўра намунавий таъсис ҳужжатлари асо-
сида амалга оширилиши мумкин;
туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик
субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекция-
ларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўткази-
ш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи
миқдорининг бир бараварига тенгдир;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш-
да нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақ-
дим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинади, хорижий инвес-
тицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бо-
шқа корхоналар бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой му-
ддатда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар
билан биргаликда белгиланган тартибда тадбиркорлик
субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган
намунавий таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқ-
ласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
2011 йилнинг 1 июнидан муассасалар ёки рўйхатдан ўтказу-
чи органнинг электрон бюрутмасига кўра интернет тармоғи
орқали фирмалар номларнинг марказлашган маълумотлар ба-
засида ҳўжалик юритувчи субъектнинг фирмали номлани-
шини захира қилиб қўйиш амалиётини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ад-
лия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Сав-
до-саноат палатаси, Миллий ахборот агентлиги ва Миллий
телерадиокомпанияси билан биргаликда тадбиркорлик
субъектлари ва аҳоли ўртасида мазкур қарорда кўзда тутил-
ган чора-тадбирларнинг мазмунини, мамлакатимизда тад-
биркорликни янада жадал ривожлантиришдаги уларнинг
аҳамиятини очиб берувчи кенг қўламли тушунтириш ишлари
амалга оширилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага
мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа ман-
фаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой
муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарор-
дан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича так-
лифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-
публикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатил-
син.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 12 май

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 май куни
Оқсаройда Испания Парламенти қуйи палатаси (Депутатлар конгресси)
депутати, ушбу мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар
вазирни Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташири билан қутлар экан, Ўзбекистон Испания билан сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда яқин шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни мустақамлашга алоҳида аҳамият беришини таъкидлади.

Учрашувда изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Испания муносабатларининг барча йўналишлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Икки мамлакатнинг халқаро тузилмалар доирасидаги ҳам-
ижтihatлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорлик фаоллашиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар самарасида Испаниянинг илғор тажриба ва технологияларга эга қатор компаниялари Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйича йўловчи ташвиш поездларининг юқори тезликдаги ҳаракатини ташкил қилиш, Навоийдаги иссиқлик электр станциясида 400 мегаваттлик буғ-газ қурилмасини барпо этиш, қарбамид ва бошқа турдаги кимёвий маҳсулотлар иш-

лаб чиқариш борасидаги мавжуд қувватларни оширишга оид қўшма лойиҳаларда иштирок этмоқда. Энергетика ва бошқа соҳаларда истиқболли ҳамкорлик йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

Сармоядорлар учун солиқлар ва бохжона тўловлари бўйича катта преференциялар яратилган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд.

Сўхбат чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳо-
кама қилинди.

(ЎЗА)

VI УМУМЖАҲОН СУВ ФОРУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ҚЎТЛОВ МУРОЖААТИ

Мухтарам конференция қатнашчилари!

VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик доирасидаги минтақавий конференция иштирокчиларини – нуфузли экспертлар, олимлар, халқаро ташкилотлар, экологик ҳаракатлар ва молия институтлари вакилларини самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Азал-азалдан бизнинг минтақамизда сув энг азиз неъмат, ҳаёт ва фаровонлик манбаи сифатида қадрланган, десак ҳеч қандай муболага бўлмайдми. Икки азим дарё – Амударё ва Сирдарё асрлар давомида Ўрта Осиёда истикомат қиладиган аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини, суғориладиган деҳқончилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун зарур бўлган даражада сув билан таъминлаб келган. Айнан шу заминда кўп асрлар муқаддам сайёрамизда биринчилардан бўлиб ирригация ва сувдан самарали фойдаланиш тизими яратилган.

XXI аср бўсағасида Ўрта Осиё халқлари учун, сайёрамизнинг бошқа кўп минтақаларида бўлгани каби, сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласи муҳим ҳаётий аҳамият касб эта бошлади. Чунки ўтган асрнинг иккинчи ярмида йирик трансгегарвий дарёлардан узокчи ўйламай фойдаланиш оқибатида минтақамиз экологик ҳалокат ёқасига келиб қолди.

Бир авлод умри давомида ноёб ва гўзал денгиздан қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланган Орол фожияси бунинг яққол далилидир. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган Оролбўйи ҳудуди эса бугунги кунда аянчи саҳрога айланмоқда.

Инсон ҳаёти, саломатлиги, миллат генофондида салбий таъсир кўрсатадиган омиллар оқибатида нафақат бевосита экологик ҳалокат ҳудудида яшовчи аҳоли, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси доимий экологик таҳдид остида қолмоқда.

Сув ресурслари тақчиллиги, суғориладиган экин майдонларининг яроқсизланиши, ҳайвонот ва наботот дун-
нингдек, минтақадagi асосий дарёлар сув оқимининг катта қисмини ташкил қиладиган Помир ва Тянь-Шань тўғрисидаги музликлар эришининг тезлашуви – булар Орол фожияси келтириб чиқарган оғир оқибатларнинг бир қисми, ҳолоқ.

Айнан шу сабабли минтақадagi трансгегарвий дарёлар бўйида жойлашган давлатларнинг ҳаётий эҳтиёжларини азал-азалдан таъминлаб келган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бугунги кунда алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги вақтда минтақанинг 6 давлатида истиқомат қилувчи 50 миллиондан зиёд кишининг тақдирини сув ресурслари, биринчи галда, трансгегарвий дарёлардан фойдаланиш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон V Умумжаҳон сув форумининг ичимлик сувдан фойдаланиш имкони инсоннинг энг асосий ҳуқуқи экани, сув тақчиллиги энергетик ва молиявий инқироздан кўра хавфлироқ экани тўғрисидаги қарорини қўлаб-қувватлайди.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, сув ресурсларининг ялпи тақчиллигини, ҳалокати техноген, экологик, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини катта хавф остида қолдиради.

Суғориладиган деҳқончилик барқарорлиги ва вегетация даврида сув ресурсларининг етарли даражада бўлишига бевосита боғлиқ бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ўта муҳим бўлиб турган ҳозирги шaroитда бу масала айниқаси долзарб аҳамиятга эга.

Ушбу жиҳдий таҳдидларни инобатга олмастик барқарор ривожланиш истиқболларини ҳамда Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг бир ерда яшашини хавф остида қолдиради.

Бундан ташқари, янги улкан гидроиншоотлар қурилиши мўлжалланаётган жойлар бир неча маротаба 9 балли зилзилалар содир бўлгани исботланган ва тасдиқланган қучли сейсмик зонада жойлашган. Мазкур ҳудудда, илгари сув бир неча бор қузатилагандек, қучли ер силкиниши содир бўлса, тузатиб бўлмайдиган, юз минглаб одамларнинг ҳаётини хавф остида қолдирадиган техноген ҳалокат юз бериши мумкин.

Бугун инсоният олдида табиатни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш, уни одамлар турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатадиган, табиатдан фойдаланиш бўйича шаклланган сув тизимни бузиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилишдек муҳим вазифалар турибди.

Шу маънода минтақамиз халқлари учун трансгегарвий дарёлардан умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва қондалар асосида фойдаланишни кафолатлайдиган, ҳар бир томон учун тенглик, ўзаро манфаат ва адолатли таъминлайдиган самарали минтақавий ҳамкорлик механизмларини яратиш ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, минтақавий ва глобал даражада гидрологик балансни сақлаш, сув ресурсларини асраш ва тежаш, сувдан фойдаланиш ҳажмини камайтириш таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув ҳўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш – булар ҳаётнинг ўзи олдимиизга қўяётган гоят муҳим масалалар бўлиб, биздан алоҳида эътибор ва ўзаро манфаатли муҳокама-
ни талаб қилади.

Тошкент минтақавий конференцияси яқунлари келгусида БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастури ижросини таъминлаш йўлидаги самарали ҳамкорлигимиз учун мустақам асос бўлади ва VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик қўришга салмоқли хисса қўшади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Конференциянинг барча иштирокчилари ишига юксак самара ва муваффақиятлар, келгусидаги муҳим ва хайрли фаолиятига зафарлар тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан
Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

XXI аср Садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентдаги «Туркистон» саройида Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Мен буюк ва муқаддас юрт фарзандиман» номли тадбир ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан уюштирилган ушбу анжуманда олий ва ўрта махсус ўқув юртралида тахсил олаётган талабалар ва ўқувчилар иштирок этди.

• Сирдарё вилояти Маънавият ва маърифат марказида мамлакатимиз Истиқлолининг 20 йиллигига бағишланган «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» номли кўргазма намойиш этилди. Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмадан қирқ нафарга яқин ёш мусаввир ва ҳўнармандларнинг ижодий ишлари ўрин олди.

• Тошкентдаги Республика шoшлинч тиббий ёрдам илмий марказида Халқаро ҳамширалар кўнига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда тегишли ва-
зирлик ва идоралар вакиллари, соғлиқни сақлаш муассасалари бош ҳамширалари, тиббиёт коллежлари ўқитувчилари иштирок этди. Тадбирда ҳамширалик ишини ташкил этишнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳалари натижалари, тиббий профилактика ва даволаш ишлари самарадорлигини оширишда ўрта тиббиёт ходимлари зиммасидаги вазифалар хусусида сўз борди.

• Қарши шаҳрида «Камолот» ЁИХ томонидан ўтказилаётган «Камалак билимдонлари» республика танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди. Унда вилоятнинг туман ва шаҳарларидан келган 100 га яқин ўғил-қиз 12 та жамоа таркибида иштирок этиб, галаба учун кураш олиб борди.

• Гулистон шаҳридаги «Голд стар маркет» хусусий корхонаси жамоаси саъй-ҳаракати билан мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозирда 15 та иш ўрни яратилган корхонада ойига 100 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқариш имкони-
яти мавжуд.

• Тўрткўл туманида еттита замонавий қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳоли саломатлигини мустақамлашга хизмат қилаётган мазкур тиббий муассасалар «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

• Икки кундан буён Греция пойтахти Афина шаҳрида радикал кайфиятдаги ёшлар билан полиция ўртасидаги тўқнашувлар давом этмоқда. Бунга эса чор-
шанба кўни қасаба уюшмалари намойиши қатнашчиларининг полиция ходимлари томонидан қалтаклиниши сабаб бўлди.

• Тикрит шаҳрида миналаштирилган автомобилнинг портлаши натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълумоти-
га кўра, ҳалок бўлганларнинг икки нафари полиция ходимидир.

• Германияда II жаҳон уруши даврида фашистлар лагерида минглаб кишиларнинг умрига зомин бўлган 91 ёшли Иван Демьянук амалга оширган қабих ишлари учун беш йиллик қамоқ жазо-
сига ҳукм қилинди.

• Хитойда жорий йилнинг бошидан бошлаб барча ёпик бинолар, меҳмонхоналар, рестороанлар, театрлар, шунинг-
дек, вокзал ва аэропортларнинг кутиш залларида сигарет чекиш тақиқланди. Қизиқи шундаки, янги қондаларга кўра ушбу муассасаларда чеккан кишилар учун ҳеч қандай жазо чоралари қўлланилмайди.

• Токиодан 200 километр нарида – денгиз бўйида жойлашган Ханаока атом электр станцияси фаолиятини ҳам цунамига қарши тўла хавфсизлик тизими жорий этилгунга қадар вақтинчалик тўхтатишга қарор қилинди.

• Италиянинг Неаполь шаҳрида яна катта ахлат уюмлари пайдо бўлди. Маълумотларга кўра, ҳажми 3 минг тоннага яқин ушбу чиқиндиларни шаҳардан ташқарига чиқариб ташлаш ишларига ҳарбийлар жалб этилган.

• Кеча мамлакат чемпионатининг 36-турида дуранг натижага эришган «Барселона» жамоаси 21-бор Испания чемпио-
нлигини қўлга киритди.

СУВ РЕСУРСЛАРИ – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Тошкентда 12 май куни «VI Умумжаҳон сув форуми сари – сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар» мавзусидаги халқаро конференция бошланди. Мазкур анжуман 2012 йилнинг март ойида Франциянинг Марсель шаҳрида бўлиб ўтадиган VI Умумжаҳон сув форумига катта тайёргарлик жараёни доирасида Умумжаҳон сув кенгаши кўмагида ўтказилмоқда.

Сўнгги пайтда атраф-муҳити ва унинг ресурсларини, жумладан, энг муҳим неъматлардан бири – сувни муҳофаза қилиш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон ҳамжамиятини аҳолини ва иқтисодиётини сув билан таъминлаш муаммоси ташвишлантираётир. Зеро, рас-

мий маълумотларга кўра, бугун сайёрамизда 1 миллиарддан зиёд одам тоза сувдан фойдаланиш имкониетига эга эмас. Келгусида аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши ва иқлим ўзгаришлари оқибатида сув ресурслари тақчиллиги янада кескинлашади.

Марказий Осиёдаги Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик муаммолар бутун дунёга яқин маълум. Лекин, бу аччиқ тажриба ҳамма учун ҳам сабоқ бўлмаган қўринади. Трансгегарвий дарёлардан улкан турғонлар қуриш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишга, ишлаб турган ва қурила-

ётган гидроиншоотларни энергетик иш режими-
га ўтказишга бўлаётган уринишлар минтақа аҳолисининг катта қисмини ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Бундай хатти-ҳаракатларнинг салбий оқибатлари бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг ҳаётига таҳдид солади. Чунки, улар ҳозир-
данок глобал хусусият касб этмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 2010 йилнинг сентябрида БМТнинг Мингйиллик саммитидаги нутқида буни алоҳида таъкид-
лаган эди.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умумжаҳон сув форумига катта тайёргарлик жараёнининг муҳим босқичи бўлган Тошкент халқаро конференциясида дунёнинг 32 мамлакатидан 350 дан ортиқ экспертлар, танкичи олимлар, экологлар, сув ҳўжалиги соҳаси мутахассислари, ўттизга яқин нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ ва унинг таркибига кирувчи агентликлари, Умумжаҳон сув кенгаши, Глобал сув шериклиги, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа иқтисодий комиссияси, Оролни кўтариш халқаро жамғармаси, АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (ЮСАИД), Ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссия, Йирик тўғонлар бўйича халқаро комиссия ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг конференция иштирокчиларига кутлов мурожаати ўқиб эшиттирилди. Унда Ўзбекистоннинг минтақадаги олти давлат ҳудудиди яшовчи 50 миллиондан зиёд аҳолининг асрлар давомида ҳаётий муҳим эҳтиёжларини таъминлаб келган трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид ҳар томонлама асосланган ёндашувлари баён этилган. Ўзбекистон Президенти конференция қатнашчиларига трансчегаравий дарёлардан умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва қоидалар асосида фойдаланишни кафолатлайдиган, ҳар бир томон учун тенглик, ўзаро манфаат ва адолатли таъминлайдиган самарали минтақавий ҳамкорлик механизмларини яратишни таклиф этди. Чунки, бу масала минтақамиз халқлари учун ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов конференция қатнашчиларига мурожаатида "бугун инсоният олдида табиатни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш, уни одамлар турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатадиган, табиатдан фойдаланиш бўйича шаклланган тизимни бузиши мумкин бўлган ҳавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилишдек муҳим вазифалар" турганини таъкидлади.

Умумжаҳон сув кенгаши президенти Луи Фашон конференция иштирокчиларига видеомурожаатида сувдан "енгил-өпги" фойдаланиш замонлари ўтиб кетди, инсоният бу неъматдан биргаликда фойдаланиш даврига қадам қўйди, деб таъкидлади. Дунёда табиатга янада эҳтиёткорона муносабатда бўлиш концепцияси кучайиб бормоқда. Қатор давлатларнинг, шу жумладан, Марказий Осиё давлатларининг сайё-харакатлари самарасида сув ресурсларига масъулият билан муносабатда бўлиш ва улардан биргаликда оқилона фойдаланиш учун замин ҳозирланмоқда. Ҳар бир инсоннинг сувга бўлган ҳуқуқи БМТ томонидан эълон қилинган ва уни ҳеч қим ҳаёт учун зарур бўлган ушбу ҳуқуқдан маҳрум қила олмайдди. Мамлакатлар ўртасида, инсон ва табиат ўртасидаги сув тақсимоти адолатли бўлимоғи лозим. Марказий Осиё халқлари сувдан фойдаланиш соҳасида бой маданиятга эга ва уларнинг таърибаси бутун дунё учун сув билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда доир муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидлади Умумжаҳон сув кенгаши президенти.

Сайёрамизнинг сув ресурсларини ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланишга бағишланган энг йирик халқаро тадбир бўлган Умумжаҳон сув форумлари 1997 йилдан буён уч йилда бир марта ўтказиб келинмоқда. 2012 йил бўлиб ўтадиган VI Умумжаҳон сув форумининг мавзуси "Мақсаддан - ечимлар сари" деб белгиланган. Анжуман кун тартибидан жой оладиган 12 йўналишдан олтитаси Марказий Осиё минтақаси учун гоят аҳамиятли бўлиб, Тошкент халқаро конференцияси иштирокчилари мазкур масалалар бўйича келишишган ёндашувларни ишлаб чиқмоғи лозим. Булар - сувдан кафолатланган тарзда фойдаланиш ва сувга бўлган ҳуқуқ, ҳамкорлик ва тенгликка қўлқўлаш, сув ресурсларини интеграциялашган бошқаруви жорий этиш орқали сувдан кўп томонлама фойдаланиш мубозанати, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурслари ва экотизимлар сифатини яхшилаш, урбанизациялашадиган дунёдаги иқлим ва глобал ўзгаришларга мослашиш каби мавзулардан иборат. Айни пайтда минтақамиз учун трансчегаравий сув иншоотларини халқаро ҳуқуқ асосида бошқаришни ташкил қилиш, сув ресурсларини интеграциялашган бошқаришни кенг жорий этиш, бунга ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ҳўжалигини, жумладан, ирригацияни ислоҳ қилиш устувор аҳамиятга эга.

Марказий Осиёнинг икки трансчегаравий дарёси - Амударё ва Сирдарё - қадим замонлардан минтақада истиқомат қилувчи халқларнинг гидрологик, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши учун хизмат қилиб келган, шу орқали Мингйиллик декларацияси-

да белгиланган мақсадларга эришишга қўлқўлашган, деди БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича ҳудудий марказининг раҳбари Мирослав Енча. Шу боис сув ресурсларини бошқариш ва тежаш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик доирасида самарали ва оқилона ёндашув, масъулиятли муносабат ва биргаликдаги сайё-харакатлар зарур. БМТ Орол денгизи ҳавзаси муаммоларининг келишилган ечимини топиш ҳамда минтақа сув ресурсларидан Марказий Осиёдаги барча давлатлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда комплекс фойдаланиш бўйича мақбул механизмни ишлаб чиқиш мақсадида минтақа мамлакатларининг сайё-харакатларига қўлқўлаш ишларини давом эттиради. БМТнинг ҳуқуқий воситалари ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, сув ва энергетика ресурслари

халқаро анжуман шулар жумласидандир. Конференция якунири бўйича Тошкент экология декларацияси қабул қилинди. Унда минтақа давлатлари трансчегаравий дарёлар оқимида жойлашган бошқа давлатларга зарар етказмаслик учун бундай дарёлардан фойдаланишнинг асосий принциплари белгиланган муҳим халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига мубофиқ трансчегаравий ҳамкорликка риоя қилиши лозимлиги қайд этилган.

Айнан Ўзбекистон ташаббуси билан Оролни кўтариш халқаро жамғармаси доирасида Орол денгизи ҳавзаси минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича сайё-харакатлар дастури ишлаб чиқилди ва унинг икки босқичи амалга оширилди. 2009 йилнинг апрелида Оролни кўтариш халқаро жамғармаси муассислари бўлган давлатлар раҳбарларининг учрашувида Президент Ислон Каримов ушбу дастурнинг 2011-2015 йил-

га келган мураккаб вазиятни ҳал қилиш борасидаги ҳар томонлама пухта ўйланган ва оқилона сиёсати учун қатта миннатдорлик билдирмоқчиман.

Барча манфаатдор томонлар иштирокида ўтказилаётган мазкур анжуман сувдан биргаликда фойдаланиш соҳасида самарали ва аниқ қарорларни белгилаб олишда муҳим ўрин тутди, деди Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик қириш бўйича Европа минтақавий жараёни минтақавий мубофиқлаштирувчиси, Халқаро ҳавза ташкилотлари тармоғининг ижрочи директори Жан-Франсуа Донзьер (Франция). Марказий Осиёда сув таъминоти борасида жиддий муаммолар кузатишмоқда. Шуниси қувонарлики, уларни ҳал этиш бўйича мутлақо очиқ иш олиб боришмоқда.

Ҳоризонлик экспертлар ўз маърузаларида шуни алоҳида таъкидлашдики, фақат Ўзбекистоннинг сайё-харакатлари билан, улар қанчалик кенг қўлам касб этмасин, Марказий Осиёда чекланган сув ресурсларини асраш ва улардан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиб бўлмайди. Бунда минтақадаги барча мамлакатлар ва халқлар манфаатларини ҳисобга оладиган, интеграциялашган ёндашув зарур. Ўзбекистоннинг ёндашуви бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳоризонлик экспертлар шу муносабат билан минтақанинг асосий дарёлари - Амударё ва Сирдарё оқимлари юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг амалдаги халқаро меъёрларни бузиш орқали трансчегаравий сув ресурсларини эксплуатация қилишга интилошлари катта таъсир туғдираётганини алоҳида таъкидлашди. Марказий Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш масалалари жаҳон ҳамжамиятида кенг акс-садо бергани қайд этилди. Мазкур дарёларнинг юқори қисмида улкан тўғонларга эга катта гидроиншоотлар қуришга доир лойиҳаларни амалга оширишга уринишлар минтақанинг бутун экотизимга тузатиб бўлмайдиган зиён етказиши ҳамда техноген, ижтимоий-экологик ва гуманитар ҳалокатларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу лойиҳалар 40 йил аввал ишлаб чиқилган ва техник жиҳатдан аллақачон эскирган. Энг муҳими, бу лойиҳаларда бўлажак қурилиш ҳудудининг 8-9 баллини ташкил этувчи юқори сейсмик даражаси инобатга олинмаган. Ваҳоланки, бу ҳудудда сўнгги 110 йил ичида 20 дан зиёд кучли ер силқинишлари рўй берган. Чунки, Тожикистонда Роғун ГЭСида баланчилиги 335 метрга тенг дунёдаги энг баянд тўғон қуриш кўзда тутилмоқда. Унинг қурилиши кучли ер силқинишлари келтириб чиқариши ва аҳоли ҳаёти учун улкан ҳавф туғдириши мумкин.

Бундан ташқари, мустақил экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тўғон ёрилиб кетгудеги 1,5 миллион гектарга эга майдон, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳудудларида 5 миллиондан ортиқ одам истиқомат қилаётган 700 дан зиёд аҳоли пунктлари сув остида қолиб кетади. Роғун сув ombори фаолияти энергетик режимида ўтказилганидан сўнг сув танқислиги вегетация даврида ўртача 22 фойдан кўпроқ ошади, сув тақими йилларда эса қариб 12 баравар қулайди. Бу қурқоқчиликка, катта чўл ҳудудларининг пайдо бўлишига олиб келади, қишда эса ҳайдалаётган ерлар ва аҳоли истиқомат қилаётган жойларда сув тошқинларига сабаб бўлади. Шундай қилиб, анжуманда бундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши мўқдси жаҳатидан Орол ҳалокатидан ҳам аянчлироқ янги экологик ҳалокатларни келтириб чиқариши мумкин, деб алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан конференция иштирокчилари Президентининг Ислон Каримовнинг трансчегаравий дарёлар ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган оқилона ва узққни кўзалани ёндашувини алоҳида қайд этдилар. Давлатимиз раҳбари кўп бор таъкидлагандек, бундай лойиҳалар трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишга доир халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига мослигини қатъий белгилаш ҳамда уларнинг ушбу дарёлар ҳавзасида жойлашган барча мамлакатлар аҳолиси, иқтисодиёти ва экотизимлари учун барча эҳтимол тутилган салбий оқибатларини аниқлаш мақсадида улар албатта халқаро экспертлар иштирокида мустақил экологик ва техник экспертизадан ўтказилиши зарур.

Анжуман дастурига, яъни мажлисдан ташқари, Марказий Осиё минтақаси учун айниқас долзарб бўлган муҳим мавзуларга бағишланган еттида давр суҳбати киритилган. Улардан иккитаси - "Келажак авлодлар учун сув кафолати", "Иқлимлик эҳтиёжлари учун барқарор сув таъминоти" мавзусидаги давр суҳбатлари анжуманининг биринчи кунини қўриб ўтди.

Халқаро анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

СУВ РЕСУРСЛАРИ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ



Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

рини бошқариш соҳасидаги вазият минтақада ҳамон мураккабланиб келмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида бошлаб атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги ҳимояси кучайтиришга, нафақат мамлакатда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятни яхшилашга, жумладан, сув ресурсларини бошқариш сифатини ошириш ва сув тежамкорлигини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ислохотлар комплекс тарзда, босқичма-босқич ва илчил амалга оширилаётган Ўзбекистонда бу соҳа ижтимоий йўналишдан давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишидан бирига айланган. Мамлакатимизда макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг таъминлангани, илчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли даромадларининг мутасил ўсиб бораётгани ушбу сиёсатнинг ёрқин самарасидир.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро меъёрларга тўлиқ жаов берадиган миллий қонунчилик шаклланиган ва тобора такомиллаштирилмоқда. Мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги барча асосий халқаро ҳужжатларга, шу жумладан, БМТнинг трансчегаравий сув оқимларини ва халқаро кўларни муҳофаза қилиш ҳамда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга доир бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларига қўшилган.

Анжуманда хорижий экспертлар Ўзбекистон юриятдан сиёсат самарасида бугун бун дунё Оролбўйидаги экологик ҳалокат ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлардан хабардор эканини таъкидлашди. Мамлакатимиз Президенти энг юксак даражадаги халқаро анжуманларда бир неча мартаба жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини бу йўналишда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига қаратди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қатор декларациялар имзоланди, Оролни кўтариш халқаро жамғармаси ташкил этилди, ушбу мавзуга бағишланган йирик халқаро конференциялар ўтказилди. 2010 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўлаш" мавзусидаги

ларга мўлжалланган учинчи босқичига оид концепцияни илгари сурди.

Анжуман иштирокчилари ўз чиқишларида Ўзбекистонда сув ресурсларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди. Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга таъбиқ этилаётган илчил ислохотлар доирасида сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди, пахта экиш қўлами кескин қисқартирилди, бундай майдонлар ҳозир суғориладиган ерларнинг қариб 25 фоизини ташкил этади. Миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланишига қарамай, дарёлардан сув олиш ҳамма қамайди. Ўтган асрнинг 90-йилларида бошлаб сув олиш ҳамми 63 кубкилометрдан 52 кубкилометргеча қисқарди. Ерларнинг мелiorатив холатини яхшилашга сўнгги йилларда 1 миллиард доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бунинг ҳисобидан қариб 740 минг гектар суғориладиган майдонларнинг мелiorатив холати яхшиланди - коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва тозаланди, ер тузишга доир ишлар амалга оширилди, зарур техника харид қилинди. Ўзбекистонда сув танқислиги муаммосини ҳал этиш йўлида энг замонавий ёндашувлар, шу жумладан, сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш жорий этилмоқда. Масалан, бундай лойиҳалардан бирининг амалга оширилиши ҳисобидан Жанубий Фарғона канали тизимига умумий сув олиш ҳамми 20 фойздан ортиқ қамайди. Бугун сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш мақсадимиз бўйлаб 250 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё халқлари қадимдан сувни ҳаёт манбаи сифатида қадрлаб келган, деди Москва давлат табиатни асраш университети ректори Дмитрий Козлов. Ўзбекистоннинг мелiorация, сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги таърибаси дунёнинг қўллаб мамлакатларида ўрганилмоқда ва мубофиқиятли қўлланилмоқда. Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларининг сув ҳўжалиги ташкилотлари тармоғи номидан Президент Ислон Каримовга экология муаммоларига қаратётган доимий эътибори, трансчегаравий дарёлар ресурсларидан фойдаланиш бўйича Марказий Осиё минтақасида вужуд-

Сўз — конференция қатнашчиларига СУВ МАНБАЛАРИДАН ҲАР ДОИМ ОҚИЛОНА Фойдаланиш ЛОЗИМ

12 май куни VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик бўйича Тошкент минтақавий конференцияси бошланди. ЎЗА мухбирлари анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Саймон КРОКСТОН, Жаҳон банкнинг табиий ресурслар бўйича катта мутахассиси:

- Биз Орол денгизини деярли йўқотдик. Тўғри, Оролда оз бўлса-да сув қолган, аммо асосий қисми қуриган. Унинг қолган қисмини дарёлар ҳисобига тўлдиримиз, минтақадаги табиий мубозанатни сақлаб қолишимиз зарур. Мазкур халқаро конференция нафақат минтақа давлатлари, балки дунёдаги бошқа мамлакатлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Анжуманда минтақадаги экологик ҳолатни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув захираларидан фойдаланишнинг тежамкор усулларини ишлаб чиқиш каби қатор муҳим масалалар муҳофиза қилинди.

Тожикистон Республикаси ҳукуматининг Роғун гидроэлектростанцияси қурилиши бўйича лойиҳаси халқаро ташкилотлар ва экспертлар томонидан ўрганилмоғи зарур. Мухаммад Назим НЕЖАБИЙ, Кобул Политехника университетининг профессори (Афғонистон):

- Юксак савияда ташкил этилган мазкур халқаро конференция бугунги куннинг энг долзарб масалаларига бағишланди. Анжуманда биз сув ресурсларини самарали бо-

шқаришни йўлга қўйиш, улардан оқилона фойдаланиш орқали соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қўллаб ижтимоий муаммоларини бартараф этишга оид зарур маълумотлар олдик. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг форум иштирокчиларига йўлаган табриги анжуманинг нуфузини янада оширди.

Экологик муаммоларнинг олдини олиш ва атроф-муҳитга салбий таъсирини қамайтиришда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда иш юритиш жуда зарур. Афғонистонда ҳам сув билан боғлиқ муаммолар кўп. Афсуски, бундай долзарб муаммоларни ҳал этишда етарлилик имкониятга эга эмасмиз.

Мухтабасара ГОПАЛАКРИШНАН, Ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссия бош қотиби:

- 2010 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ўтказилган "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўлаш" халқаро конференциясида ҳам иштирок этганим. Оролбўйида юзага келган глобал экологик муаммоларнинг таъ-

сири нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки ундан узққдаги ҳудудларда ҳам сезилмоқда. Муаммоларнинг олдини олиш эса дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларини бартараф этиш борасидаги ташаббуслари, бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратётган алоҳида эътибори юксак самаралар бераётди.

Мавжуд сув ресурсларидан ҳамми оқилона фойдаланиш ва сув хавфсизлиги масаласини ҳал этиш учун ҳамкорликни янада кучайтириш зарур. Ўзбекистонда ўтказилаётган ушбу халқаро анжуман бундай ёндашувга яқши мисол бўла олади.

Мухаммад Аббос ХОН, Melsoc International компанияси директори (Покистон):

- Орол бўйида вужудга келган жиддий экологик муаммоларни ечиш нафақат шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли, Ўрта Осиё давлатлари, балки дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун муҳим. Ўзбекистонда мазкур муаммони ҳал этиш борасида зарур чоралар қўрилаётгани диққатга сазовор. Бирок ушбу муаммони бартараф этиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш керак.

Тожикистон Республикаси ҳукуматининг Роғун гидроэлектростанцияси қурилиши бўйича лойиҳаси гоят эскиргани маълум. Уни қайта қўриб чиқиш лозим. Бундай улкан иншоотларни қуришдан аввал улар келтириб чиқариши эҳтимоли бўлган салбий оқибатларни ҳолис ва чуқур ўрганиб чиқиш даркор.

Ноҳира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕХР ТОПГАНЛАР

Ёшларни ватанпарварлик, бағрикенглик, миллий ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Бу борадаги эзгу ишларга турли вазирлик ва идоралар билан бирга, жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалбида эзгу ғояларни мустаҳкам қарор топтириш бўйича қатор хайрли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Тошкент Фотосуратлар уйида мазкур жамғарма ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган «Хотирада сақлаёмиз» мавзусидаги авлодлар учрашуви бунинг яна бир далилидир. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият маорказларининг вакиллари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, маданият ва санъат намояндлари иштирок этди.

Республика Байналмиал маданият маоркази директори Н.Мухаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида юртимизда миллатларо тинчлик ва тотувликни сақлаш борасидаги илчил ишлар ёшларни бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, миллий ғояларга содиқлик руҳида таарбиялашда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Юртимизда инсон қадр-қимматини улуғлаш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ноғиронлари, ўша мураккаб даврда жабр кўрган минг-минглаб кишиларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга Болтиқбўйи давлатлари, Россия, Беларусь, Украина, Молдова, Польша каби мамлакатлардан 250 минг нафардан зиёд болалар эвакуация қилинган. Саховаатли, бағрикенг халқимиз миллати, тили, динидан қатъий назар, барча кўнгли ярим болаларни ўз фарзандидек қабул қилган. Уларга ўз уйдан бошпана бериб, сўнгги нонини улар билан баҳам кўрган. Халқимизнинг беёминнат меҳр ва эътиборидан баҳраманд бўлган минг-минглаб болаларнинг таълим олиши, тарбияланиши, касб-хўнар эгаллаши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган.

Ўша бешафқат уруш йилларида минглаб кўнгли ярим болалар каби мен ҳам Ўзбекистондан бошпана топдим, - дейди Станислав Мансуров-Ковриенко. - Шу ерда таълим-тарбия олдим, Ўзбекистонлик меҳрибон одамларнинг яхшилигидан баҳраманд бўлдим. I Шу табарруқ заминни Ватаним деб биламан. Унинг фарзанди эканимдан гоят фарҳангманман. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида дунёнинг қайсидаки мамлакатига 250 миинг нафардан ортиқ гўдакни эвакуация қилиш имконлигини ҳатто тасавур қилиш қийин. Шунча болага беминнат меҳр, ғамхўрлик кўрсатган Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг жаҳонда тенги ҳам, ўхшаши ҳам йўқ.

Ўзбекистонга Украинадан келиб қолганимда икки ёшда эдим, - деб хотирлайди Фаина Амелина. - Аввал Қашқадарьда, сўнгра Тошкентдаги 30-Меҳрибонлик уйида бошпана топдим. Уруш сабаб ота-онамни эсололмайман. Ўзбекча сўзлаб тилим қикди. Эзгу инсоний фазилатлар, одамгарчилик нелигини шу замин одамларидан ўргандим. I Шу ерда дастлаб ўрта маҳсус, сўнгра олий ўқув юртида таҳсил олдим. Қурилиш ташкилотларида муҳандис бўлиб ишладим. Оила қўрдим. Икки фарзандим, невараларим бөөр. Урушдан жабр кўрган барча болаларни ўз фарзандидек бағрига олган, сўнгги бурда нонини ҳам турли миллат вакилларига илинган, қалби қуёш тафти сингари қайноқ ўзбек халқидан умрбод миннатдорман!

Ўша оғир йилларни юракда ҳаяжон, кўзда ёш билан хотирлайман, - дейди Галина ММихайлевич. - Ўзбекистонга Беларусидан эвакуация қилинганман. Урушининг суронли йиллари киши тақдири ва қалбида чексиз оғриқли излар қолдириди. Уларнинг барҳам топтиришида ўзбекистонлик саховатпеша кишиларнинг хизмати катта. Узоқ йиллар олоқа ва ички ишлар соҳаларида ишладим. Шу муностақил юрт эришган отуқлар барча каби меъени ҳам беҳад қувонтиради. Ўзбекистон - баърачамиз учун ягона ва муқаддас Ватан!

Икки авлод учрашувида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, бугунги тинч ва осуда, фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш, қадрига етиш барчанинг бурчи экани алоҳида таъкидланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбир доирасида юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари тинчлик ва дўстлик мавзусидаги тасвирий санъат асарларидан иборат кўргазма ҳам таънашқил этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Спорт янгиликлари

СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Шаҳримиз туманларида ёш, иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, бўлғуси чемпионларни етиштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, бунда салмоқли ютуқларни кўлга киритган спортчиларнинг рағбатлантириб борилиши келгуси галабаларнинг муҳим омилidir.

Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман прокуратураси, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида яна бир хайрли ташаббусга кўл урилди. «Олимпия шон-шухрати» музейида турли спорт мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринлари эгаллаган 27 нафар спортчи ва 9 нафар мураббийларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбир давомида давлатимиз томонидан мам-

латимизда спортни ривожлантириш, аҳоли саломамлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган шарт-шароитлар учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Маросим сўнггида спортчи ва мураббийларга Юнусобод туман ҳокимлиги ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамда «Камолот» ЁИХ туман кенгашининг совгалари топширилди.

И.ДИЛШОДОВ
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат



Осиё миқёсидаги энг нуфузли турнирларда қатнашаётган «Насаф», «Шўртан» ва «Бунёдкор» жамоалари гуруҳ босқичидан муваффақиятли ўтиб, бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди.

учун тажриба мактаби вазифасини ўтади. Ёш пахтакорчиларнинг салоҳияти ва ўзига хос ўйин услубини юқори баҳолаган мутахассислар «Пахтакор» қисқа муддат ичида нафақат Ўзбекистонда, балки Осиё китъаси бўйича ҳам яна энг кучли жамоалардан бирига айланишини алоҳида таъкидладилар.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ОСИЁ МАЙДОНЛАРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

ОФК кубоги мусобақасида кетма-кет иккинчи маротаба юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Насаф» футболчилари гуруҳ босқичида барча учрашувларда галаба қозонган ягона жамоа бўлди. Ана толий Демьяненко шогирдлари муҳлису мутахассислар томонидан бош совринга асосий даввогар сифатида эътироф этилмоқда.

«Насаф» гуруҳидаги сўнгги учрашувида Қаршида Ямнинг «Ат-Тилло» жамоасига қарши ўтказди. Бу гал ҳам ҳамюртларимиз ҳужумкор ўйин кўрсатиб, 7:1 ҳисобида зафар қўчди. «Насаф»нинг йирик ҳисобда галаба қозонишига катта ҳисса қўшган Носир Отақў-

зиев ўн беш дақиқа ичида рақиб дарвозасига учта тўп киритиб, бу йилги мусобақада энг тезкор «хет-рик»ка эришди. Голлардан иккитаси Иван Бошкович, қолганлари Артур Геворкян ва Илҳом Юнусов ҳисобига ёзилди. Меҳмонларнинг ягона жавоб тўпини Лами Итана киритди.

«А» гуруҳидаги барча учрашувларни ўз фойдасига ҳал қилган «Насаф» футболчилари олти ўйинда рақиблар дарвозасига ўттиз тўп киритиб, ОФК кубогининг гуруҳ беллашувларида энг кўп гол урган жамоага айланди.

Гуруҳидаги иккинчи йўлланма Ҳиндистоннинг «Демпо» жамоасига насиб этди. Ҳиндистонликлар сўнгги турда ўз майдонида «Ал-Ансор» (Ливан) футболчилари устидан 2:1 ҳисобида зафар қўчди ва иккинчи ўринни эгаллади.

ОФК кубогида илк маротаба қатнашаётган Фузорнинг «Шўртан» жамоаси ҳам нимчорак финалга йўлланма олди. Лекин Эдгар Гесс шогирдлари бунинг учун анча

«тер тўкиши»га тўғри келди. «В» гуруҳидан кейинги босқичга чиқадиган иккинчи жамоа сўнгги лаҳзада аниқланди. «Шўртан» футболчилари олтинчи турни сафарда Ямнинг «Ас-Сақр» жамоасига қарши ўтказди. Сурияда ташкил этилган учрашувада Предраг Вуйовичнинг ягона голи гузорликларга 1:0 ҳисобида галаба келтирди. Жами 9 очко жамғарган гузорликларнинг гуруҳдан чиқиши «Ал-Қодисия» (Қувейт) ва «Ал-Иттиҳод» (Сурия) ўртасидаги учрашув натижасига боғлиқ эди.

Қувайтликлар гарчи мuddатидан олдин плей-офф йўлланмасини кўлга киритган бўлса-да, галаба учун тўп сурди ва сурияликларни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу натижа «Шўртан»га фойда келтирди. ОФК кубогининг амалдаги соҳиби — «Ал-Иттиҳод» мағлубият туфайли учинчи ўриндан кўтарила олмади. Натижада иккинчи поғонадаги жойини сақлаб қолган Эдгар Гесс шогирдлари илк маротаба ОФК кубогининг плей-офф босқичида тўп сурадиган бўлди.

Шундай қилиб, 24 май кунини ўтказилган нимчорак финал учрашувида «Насаф» ўз майдонида «С» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Иорданиянинг «Ал-Файсали» жамоасини қабул қилди. «Шўртан» футболчилари 25 май кунини «Д» гуруҳи голиби — Иорданиянинг «Ал-Вихдат» жамоаси меҳмони бўлди.

Зоҳир ТОШЎҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

БИРИНЧИ ТУР ЯКУНЛАНДИ

Шаҳримизда спортнинг регби тури бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионатининг дастлабки тур учрашувлари якунланди.

Ўзбекистон Миллий университетининг «ЎЗМУ» ҳамда «Қанот Регби» жамоалари баҳсда эса қутилмаган натижага қайд этилди. Олий лигага ўтган йили йўлланма олган бўлишига қарамай, «Қанот Регби» жамоаси ўзларидан тажрибалироқ ҳисобланган «ЎЗМУ» командасини йирик 35:0 ҳисобида мағлуб этди ва иккинчи ўринга кўтарилиб олди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Одатда эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида тилсиз ёв ёнғин ҳодисаси келиб чиқади. Айниқса, ёнғинлар аҳоли яшаш жойларида кўп учрайди. Бундай ҳолларда эса, энг аввало, катта талафот кўрувчи ҳам, жабрланувчи ҳам инсонлар эканлиги барчамизни ташвишга солади, албатта.

«01»

ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишига эришиш, юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш борасида 12 ХЕХО ходимлари олдинда муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, бўлим ходимлари йил давомида аҳоли турар жойларида учрашувлар ташкил қилиб, ёнғинларнинг олдини олишга доир билимларини оширмоқдалар. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари худудидаги хонадонлар жойлашувини яхши биладиган, аҳолини яхши танийдиган маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари, посбонлари ва фаоллари кўмаги катта бўлмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, айрим маҳаллалар худудида ноқонуний тарзда қурилган уйлар, баъзи кўчаларга ўрнатилган бетон тўсиқлар фавқулодда вазиятлар

чоғида ёнғин ўчириш автоуловларининг воқеа жойига етиб боришига тўсқинлик қилади. Қолаверса, кўп қаватли уйлар ёнғига ўрнатилган темир тўсиқлар, буталмаган дарахт шохлари ҳам ёнғинни ўчириш чоғида қийинчилик туғдириши табиий. Шу сабабли ҳам маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларда фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш билан бирга ёнғинни ўчиришга тўсқинлик қилувчи барча ҳолатларни бартараф этишга алоҳида аҳамият қаратилиши зарурлиги тушунирилмоқда. Шундангина фуқаролар йиллар мобайнида тўплаган мол-мулкларни, энг асосийси — саломатликларини асраган бўладилар.

Н. ЭРМЕКОВ,
12-ХЕХО кичик инспектори,
сафдор

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳларида сўнгги олтинчи тур баҳслари уюштирилди.

ДУРАНГА БОЙ ЎЙИНЛАР

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб муҳлислар ушбу турнирнинг «В» гуруҳи вакиллари — «Пахтакор» ҳамда Қатарнинг «Ал-Садд» жамоалари учрашуви гувоҳига айланмишди.

Айтиш жоизки, авлодлар алмашинуви даврини бошидан кечираётган, асосан умидли ёшлар иштирокида тўп сураётган «Пахтакор» жамоаси ўзидан анча тажрибалироқ бўлган меҳмонларга қарши

муносиб ўйнади. Дастлабки голни ҳам ёш пахтакорчилар 60-дақиқада дарвозага киритиб 1:0 ҳисобида олдинга ўтиб олишди. Иккинчи бўлим ҳам тенг курашлар остида ўтди. Ҳар икки жамоа томонидан дарвозалар томон хавфли ҳужумлар уюштирилди. Учрашув гўё мезбонлар галабаси билан якунланадигандек эди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган қўшимча вақтнинг учинчи дақиқасида

ҳимоячилар хатосидан самарали фойдаланган меҳмонлар футболчиси Сиддиқ «Пахтакор» дарвозабони Элдор Тожибоевни доғда қолдириб ҳисобни тенглаштиришга эришди — 1:1.

Осиё чемпионлар лигаси «С» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган «Бунёдкор» сафарда Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» командаси билан куч синашди. Агар ушбу учрашув тошкентликлар галабаси

билан якунланганида «Бунёдкор» нимчорак финал баҳсини ўз майдонида ўтказиш имкониятига эга бўларди. Бироқ мурасасиз кечган беллашув 1:1 ҳисобида якунланди. Дарвозаларга голларни «Ал-Иттиҳод»дан Нуни, «Бунёдкор»дан Трифунувич йўллади. Осиё футбол конфедерацияси кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Қаршининг «Насаф» ҳамда Фузорнинг «Шўртан» жамоалари ҳам ушбу турда муваффақиятли одимларини давом эттириб, кейинги босқичга йўлланма олишди: «Насаф» — «Ал-Тилло» (Яман) — 7:1, «Ал-Сақр» (Яман) — «Шўртан» — 0:1.

Рус поэзиясининг қўши Пушкін бир кун журнал ноширига хат йўллаб, ўзига тегишли қалам ҳақини сўрайди. Шоирга ёзилган жавоб хатида шундай саволлар бор эди: «Пулни душанбада олганингиз қулайроқми ёки сешанбами? Икки юз сўмингиз ҳаммасини биратўла олмақчимисиз ёки олдин юз сўми ҳам қифоями?»

Шоирнинг жавоби қисқаргани эди:

«Душанба сешанбадан яхши, икки юз сўм эса юз сўмдан яхши».

Француз кироли Людовик XIV шеър машқ қилиб турар ва уларга баҳо бериши фақат Буалога ишонаркан. Киролнинг навбатдаги бемаза шеърларини ўқиган Буало калтис фикрини шундай ифодалаган экан: «Ҳазрати олийлари! Сизнинг кўлингиздан келмайдиган иш йўқ! Мана, бемаза шеър қандай бўлишини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлган экансиз, бу ишни ҳам қойилмақом қилиб удалласиз!»

Машҳур Америка ёзувчиси Хемингуэй Париждаги ресторлардан бирида коньяк ичиб ўтирарди. Бир маҳал ёнғинда

КУНЛАРДАН БИР КУН

барменни чақириб, қадахдаги ичимликни «Сиз ҳам бир хўплаган» дея узатади.

— Мен ичмайман! — кескин рад қилади бармен. — Статистика маълумотларига қараганда, ҳар йили спиртли ичимлик туфайли қарийб бир миллион француз ажалидан бурун ўлиб кетаркан.

— Мутлақо ташвишланманг, чунки мен америкаликман.

Хемингуэй жуда ашаддий овчи бўлган. Бир кун ов саргушталаридан хикоя қилаётганида тингловчилардан бири ногоҳ сўраб қолади:

— Мабодо одам қўлида ёниб турган машъала олиб юрса, биронта ҳам ҳайвон унга даф қилмайди дейишди. Шу гап ростми?

— Бу нарса машъалани қандай тезликда олиб юришга боғлиқ, — дебди адиб.

Машҳур италиян қўшиқчиси Энрико Карузо чек билан катта миқдорда пул олиши керак экан. Аммо банкка келганида ёнида ҳужжати йўқлиги маълум бўлади. Кассир унга пул берол-

маслигини айтади. Шунда қўшиқчи «Тоска» операсидан бир арияни ҳафсала билан ижро этади. Банк ходимлари ҳайратдан лол қолишади. Хижолат тортган кассир ҳам дарҳол пулни бериб юборади.

Кунлардан бир куни Бернард Шоунини кўчада велосипедчи туртиб юборади. Ҳеч ким жабр кўрмайди. Тўқнашув айбодори хижолат чекиб, уэр сўраётганида кекса драматург унинг сўзини бўлиб, шундай дейди:

— Омадингиз чопмади-да. Сал жиддийроқ туртганингизда эди, менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.

Файласуф Сукрот бир бой билан ҳамроҳ бўлиб сафарга чиқибди. Ногоҳ улар қароқчиларга йўлиқиб қолишди.

— Эй воҳ, мабодо улар мени таниб қолишса шўрим қурийди-ку! — дебди бой кўрқиб-қалтираб.

— Эй воҳ, улар мени танишмасанми қиламанг? — дермиш Сукрот.

Шодмон ОТАБЕК
тайёрлади



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бўшқармасида 02-1-ракам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3958 нусхала босилади.
Қотоғи бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят қанчалар
марказида терилиш ва софдор.

Нашр учун маълум
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси
босмоҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.